

Бардавомлик мақсадга эриштиради



08:01 / 21.07.2020 2561

Бир куни бир ҳаким зот фарзандларини чақириб, уларга насихат қилди: «Бардавом бўлиш инсонни камолот даражасига эриштиради. Сабрли одам йўлидаги тўсиқларни енгиб, уларга эътибор бермаслиги керак. Қадимда бир киши шаҳар-қишлоқларни кезиб, ажойиб томоша кўрсатар экан: у каттакон буқани ҳамминг кўз ўнгида даст кўтариб, ҳаммани ҳайрон қолдирар экан. Бу қадар бақувват одамни кўрмаган халқ унга таҳсин айтиб, пул берар экан. У ўша томошабинлар берган пуллар ҳисобига кун кўрар экан. Бир куни тўпланганлардан бири ундан: «Сиз бу даражага қандай етдингиз?» деб сўрабди. Буқанинг эгаси: «Мен бу буқани бузоқчалигида ҳар куни елкамга кўтариб, бир неча соат ҳовлимда айланиб юрар эдим. Кун сайин буқанинг оғирлиги ортиб бораверди, лекин мен ҳам бу машқни бирор кун тўхтатмадим. Шунинг учун буқа биров кўрқадиган даражада катта бўлса ҳам, уни кўтариш менга оғирлик қилмайди», деб жавоб берган экан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан